


№6 (189) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

**АТРОФ - МУҲИТНИ АСРАБ- АВАЙЛАШ ҲАР БИР ИНСОННИНГ БУРЧИДИР. ҲОЗИРГИ ВАҚТГА КЕЛИБ, САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИНГ КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КЎПАЙИБ КЕТИШИ ТАБИИЙ МУҲИТНИНГ КЕСКИН БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА. ТАБИАТ - БУ АЖДОДЛАРИМИЗДАН БИЗГА ҚОЛДИРГАН МЕРОСИ ЭМАС, БАЛКИ КЕЛГУСИ АВЛОДЛАРИМИЗДАН ОЛИНГАН ҚАРЗДИР.**

# АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ АСРАШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Атроф - муҳит ва атмосферани ифлослантиришнинг асосий қисми ёқилғи энергетика мажмуасига тўғри келади. Зеро, автомобиллардан, корхона, заводлардан чиқаётган ҳар хил химиявий ва зарарли моддалар атмосферани заҳарлаб боради. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, экологик ҳолатга катта эътибор берилмоқда. Одамлар ўртасида экологик тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Атмосфера — бу ҳаво қоплами, ернинг ҳимоя қатлами-ҳисобланади ва йирик мавжудотларнинг яшаши учун зарур бўлиб, уларни хилма-хил нурлардан, метеорит заррачаларидан ҳимоя қилади. Атмосфера туфайлигина ерда ҳаёт мавжуддир, чунки атмосфера бўлмаса, ер юзаси кечаси 100°С га қизиб кетар экан. Буни қарангки, борлиқнинг ҳаёти тоза ҳавога боғлиқдир. Чунки айтайлик, одамлар сув, овқатсиз бир неча кун яшай олар экан, ҳавосиз эса 5 дақиқадан ортиғида ҳаёт узилади. Демак, тоза ҳаво инсон, ўсимлик, ҳайвонот олами учун зарурдир.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши инсоннинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга халқ хўжалигига ҳам катта зарар етказади. Атмосферанинг ифлосланиши деганда унинг таркибидаги табиий ҳолда мавжуд бўлган газлар мувозанатининг табиий ва сунъий омиллар натижасида вужудга келган ҳар хил газлар, қаттиқ заррачалар, чанглар, радиоактив чанглар, сув буғлари ва бошқалар таъсирида бузилишини ҳамда сифатининг ўзгаришини тушунамиз.

Атмосферанинг табиий ифлосланишида космик чанглар, вулқонларнинг отилишидан вужудга келган моддалар, тоғ жинслари ва тупроқнинг нурашидан вужудга келган моддалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, ўрмон ва даштлардаги ёнғиндан, денгиз сувининг мавжланиши билан ҳавога чиққан туз заррачалари муҳим рол ўйнайди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши (бу ҳол ҳамма ривожланган мамлакатларга хос) атмосфера ҳавосининг ифлосланишини тезлатди.

Шаҳар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларга энергетика, саноат корхоналари, транспорт, маиший чиқиндилар ва бошқалар киради.

Атмосферанинг ифлосланишида автомобиль транспорти биринчи ўринни (40 фоиз); энергетика саноати (20 фоиз) иккинчи ўринни; корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариши учинчи ўринни (14 фоиз) эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, маиший - коммунал хўжалиги ва бошқалар зиммасига эса атмосфера сунъий ифлосланишининг 26 фоизи тўғри келади.

Атмосфера ифлосланишининг ўсиши ҳаттоки инсон яшаши кам бўлган жойларда ҳам деярли сезилар экан. Масалан, АҚШнинг Йелоустон миллий боғи Америкада энг тоза ҳавоси билан ажралиб турадиган боғ бўлиб, кейинги 5 йил ичида ифлосланган заррачаларнинг ўртача сони 10 марта ошган.

Сўнгги йилларда атмосферанинг ифлосланишида транспорт воситаларининг салмоғи ортиб бормоқда. Чунки автомашина, самолёт, тепловоз, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқалар жуда катта миқдорда кислородни сарфлаб, атмосферага (таркибида 200 га яқин заҳарли моддалар учрайдиган) ҳар хил газларни (ис гази, азот оксиди, углеводородлар, қўрғошиннинг заҳарли бирикмалари, чанг, қурум ва бошқалар) чиқариб, уни ифлослайди.

Шаҳар кўчаларида турли хилдаги ранго-ранг енгил автомашиналару автобусларни ҳар куни кўрамиз, бу албатта кўзни қувонтиради, узоғингизни яқин қилади, шошилинчда ишингиз тез битади, минглаб ҳамшаҳарларимиз иш жойларига бориб олади, «чиқарганнинг отасига раҳмат», деймиз. Шаҳар муҳитини транспортсиз тасаввур қила олмаймиз. Лекин биз шуни айтишимиз керакки, автомобилларни ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан йўллар, теварак-атрофни муҳофаза қилиш масаласи ҳам келиб чиқади, албатта.

Кузатишлардан шу нарса маълумки, атроф-муҳитга энг кўп заҳарли газларни автомобиль транспорти чиқарар экан. Шаҳар ҳавосини ифлословчи асосий манбалардан бири транспорт воситаларидир. Яна машиналар шовқини одамларнинг асабига, саломатлигига ҳам салбий таъсир қилади. Транспорт қатнайдиган кўчалар бўйлаб қурилган турар жойларда ҳам кечаси билан автомобиль шовқини яққол сезилиб туради.

Атмосферадаги турли заҳарли газлар ўсимлик ва ҳайвонларга ҳам зарар етказади. Ҳавога чиқаётган чанг, қурум, тутун ва олтингугурт газлари, хлор, углеводород бирикмалари, мишьяк, сурма, фтор ва бошқалар яна ерга қайтиб тушгач, ўсимлик баргларига, тупроқ ва сув орқали ўсимлик илдизига ўтади. Натижада ўсимликларнинг нобуд бўлиши, ҳосилнинг камайиши, фотосинтезнинг ўзгариши кузатилади, ўсимликларнинг ҳавони O2 билан таъминлаш қобилияти пасаяди. Бу эса ўз навбатида инсон саломатлигига катта зарар келтиради.

**Ф. ФАТХУЛЛАЕВ ,**
**1-тоифали мутахассис**
**М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,**
**1-тоифали мутахассис**



# ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**ИНСОН ДУНЁГА КЕЛАР ЭКАН У УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИ, КИЙИНАДИ, ОВҚАТЛАНАДИ, ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИКЛАРИДАН ЭСТЕТИК ЗАВҚ ОЛАДИ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИР ИНСОН ТАБИАТГА ЭҲТИЁТКОРОНА МУНОСАБАТДА БЎЛИШИ КЕРАК.**

Экологик тарбия табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик шароитларни яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Албатта экологик вазият, табиатдан ўринли фойдаланиш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик саводхонлиги, экологик маданиятига ҳам боғлиқдир.

Кундалик ҳаётимизда экологик тарбия оиладан бошланиб, боғчадан олий ўқув юртигача давом этиши керак.

БМТ, ЮНЕСКО ва ЮНЕП каби ташкилотларнинг диққат марказидаги масалалардан бири ҳам экологик тарбиядир. Уни ривожлантириш учун жаҳон, алоҳида давлатлар миқёсида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар бир соҳа мутахассиси экологияни тушуниши ва ўз кундалик ҳаётида табиатга зарар етказмаслиги, экологик тарбияни ўз оиласидан бошлаши лозимдир.

Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат, ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, жамоа хўжаликларида, маданият уйларида табиатшунослик клуби, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ўлка музейлари, бурчаклари ташкил этилган, уларда бой табиатимиз бойликларини кўрсатадиган, ҳикоя этадиган кечаларнинг ташкил этилишининг аҳамияти каттадир. Бундай тадбирларга соҳа мутахассисларини таклиф этиш, суҳбатлар уюштириш муҳим ўрин тутади.

Ватанимиз бўйлаб сафарларга ёшларни жалб этиш, уларни ҳайвонот, қушлар дунёси билан таништириш, уларда табиатга нисбатан қизиқишни оширади, меҳр уйғотади.

Ёшлар учун газета ва журналларда, радио, телевидениеларда доимий эшиттиришлар ташкил этилиб, бундай кўрсатувларда, эшиттиришларда табиатни мадҳ этувчи, унинг бойликларини муҳофаза қилишга йўналтирилган маълумотларнинг берилиб борилиши лозимдир.

Табиат муҳофазаси бўйича ишлаб турган муассасаларда табиат, уни муҳофаза этишга бағишланган ҳаваскорлик фильмлари, фотосуратлар, мақолалар учун танловлар ўтказилиши ҳам атроф-муҳитни тоза сақлаш, уни муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этади.

Доимо республикамизнинг турли вилоят, туманларида ёш олимлар, мутахассислар, фаолларнинг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича ўқув-семинарларни ўтказиш ҳам зарур тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ёшларнинг табиий бойликларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишга жалб қилиниши бу борада ҳашарлар ўтказиш ҳам хайрли ишлардан ҳисобланади.

Дам олиш масканларига келган кишиларга табиат муҳофазаси бўйича маслаҳат бериш, уларни нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами намуналари билан таништириш зарурдир. Сайр қилувчиларга, сайёҳларга албатта табиатга зарар келтирмаслик, ифлос қилмаслик масалаларини тушунтириш лозим. Сайёҳлар ўрмонлар ичида, ноёб ва нодир ўсимлик намуналари мавжуд бўлган жойларда гулхан ёқмасликлари керак, шунингдек, муҳофазага мансуб дарахтлар синдирилмаслиги, ноёб гул-чечак намуналари узилмаслиги шарт. Атрофни ифлослантирмасликлари, топтамасликлари, гиёҳларни пайҳон қилмасликлари лозим. Бу борада албатта тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Табиат қўйнида фойдали меҳнат қилган, экологик жиҳатдан тарбия олган миллатимиз болалари камтар, меҳрибон, саҳий, меҳнатсевар бўлиб ўсадилар.

Кейинги йилларда бизда аҳолига, ёшларга экологик билим бериш борасида маълум ишлар қилинмоқда. Ўрта ва олий ўқув юртларида талабаларга экология фани ўқитилмоқда, магистратурада билим олишмоқда, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, экологиянинг долзарб муаммолари ҳақида хабарлар, мақолалар бериляпти, радио, телевидениеда кўрсатувлар уюштириляпти.

Болаларни ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишга ўргатиш, уларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир. Ёшларни соғлом, билимдон, меҳр-оқибатли қилиб тарбияласак, уларда табиатга меҳрини ўзгача уйғота олсак, келажак авлод учун гўзал табиатимиз гўзаллигича қолаверади.

**Бекзод ХАТАМОВ,**
**1-тоифали мутахассис**

*Шифобахш неъматлар*

# АРПАБОДИЁН

**АРПАБОДИЁН БИР ЙИЛЛИК СОЯБОНГУЛДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ ЎТСИМОН ЎСИМЛИК. УНИНГ БЎЙИ 60-70 САНТИМЕТР АТРОФИДА, ПОЯСИ ТИК ЎСУВЧИ, ТУКЛИ, КЎП ҚИРРАЛИ, ЮҚОРИ ҚИСМИ ШОХЛАНГАН.**

Поя ва барглари яшил, илдизига яқин ва поянинг пастки қисмида жойлашган барглари узун, уч бўлакли, қирраси тишсимон, поянинг устки барглари 2—5 бўлакка пастсимон қирқилган. Барглар пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, оқ ёки сариқ рангли бўлади. Май-июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Уруғи тухумсимон, сертук бўлади. Меваси қўшалоқ пистадан иборат.

Ўрта Осиё республикаларида арпабодиён кенг кўламда ўстирилиб, меваси зиравор сифатида ишлатилади.

Ўсимлик меваси таркибида 2-3 фоиз миқдорда эфир мойи бўлиб, унинг асосий қисмини анетол (80-90 фоиз), анис альдегиди ва кислотаси, метилхавикол ташкил қилади.

Арпабодиён кунжарасида 17-20 фоиз оқсил ва 16-22% мой бўлганлиги туфайли у қорамоллар учун тўйимли озиқ ҳисобланади.

Халқ орасида арпабодиён меваларининг шифобахшлик хусусиятлари қадимдан маълум. Чунончи, ўсимлик меваси терлатувчи, эмизикли онанинг кўкрак сутини кўпайтирувчи, меъда ва ичак касалликларига дори сифатида ишлатилади. Шарқ табиблари арпабодиён мевасининг қайнатмасини тана ҳарорати кўтарилганда, сийдик ва ўт ажралиши қийинлашганда, мижоз сусайганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда ичишни тавсия қилишган.

Абу Али ибн Сино арпабодиённи қиздириб, тутуни ҳидланса бош оғриғи ва бош айланишини тўхтатиши ҳақида маълумот берган. Шунингдек, у арпабодиённи эзиб, атиргул мойи билан аралаштириб қулоқ оғриғини даволаган. Ибн Сино арпабодиёндан сийдик ажралишини кучайтиришда, жигар ва талоқ фаолиятини яхшилашда, эски безгакни даволашда ҳам фойдаланган.

Илмий тиббиётда арпабодиён мевасидан тайёрланган дори-дармонлар қорин оғриғини (спазм) қолдириш, ичак фаолиятини яхшилаш, ел ҳайдаш учун тавсия қилинади. Улар анацид гастритни даволашда қўлланилади. Арпабодиён мойи ва мевасининг дамламасидан юқори нафас йўлларининг шамоллаши, трахеит, ларингит, йирингли бронхит, ўпка гангренаси, қизамиқ касалликларини даволашда фойдаланилади. Ўсимлик мойи (анисовое масло) балғам кўчирувчи дори таркибига қўшилади.

Арпабодиён меваларидан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун бир чой қошиқ ўсимлик меваси бир стакан қайноқ сувга солинади ва бир соат давомида дамлаб қўйилади, совугандан сўнг сузиб олинади. Дамлама учга бўлиниб, кун давомида ичилади.

Бу шифобахш ўсимликдан қандолат ва упа-элик саноатида, ҳолва тайёрлашда, новвойчиликда ҳам фойдаланилади. Арпабодиён уруғларини экишдан олдин 2-3 кун офтобга қўйиб қўйилса, униб чиқиши тезлашади. Ўсимлик нам ва пўрсилдоқ ерларни хуш кўради. Арпабодиён соябонлари эндигина сарғая бошлаганида ўриб олинади-да, боғлам-боғлам ҳолида, мевали томонини юқорига қаратиб қуритилади. Қуриган ўсимлик янчилади ва элаб мевалар ажратиб олинади.



# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

●Ишбилармонлар нима учун бир пиёла чой устида музокаралар олиб боришини биласизми? Кембриж университети олимларининг айтишича, қорни оч одамлар тўқ кишиларга нисбатан шошилинч ва фойдасиз қарорлар қабул қилишар экан. Овқатланишни рад этиш инсон танасида «бахт гормони» саналган серотонин моддасининг пасайишига сабаб бўлади. Бу етишмовчилик инсон мияси ўз танасида тажовузкор ва ихтиёрсиз ҳаракатларни қилишга чақирар экан. Бошқача қилиб айтганда, серотонин етишмовчилиги оқибатида инсон ҳиссиётлари салбий томонга хулоса чиқарар экан. Қорни тўқ кишининг мияси эса яхши ишлаб, анча жиддий ва фойдали қарорлар қабул қилар экан.

●Буюк Британия, Италия ва АҚШ олимлари ҳамкорликда яна бир шов-шувли хулосага келишди. Улар узоқ йилги текширув ва таҳлиллардан сўнг динозаврларнинг қирилиб кетишига нефтнинг портлаб кетиши сабаб бўлган деган хулосага келишди. Шунга кўра, бундан 65 миллион йил аввал Ер сайёрасига жуда катта астероид келиб урилади ва у нефт заҳирасининг устига тушади. Шундан сўнг катта портлаш юзага келади. Бу ёнғин юзлаб километрларга тарқалади ва атмосферани заҳарлайди. Бунинг натижасида Ердаги жуда кўплаб жониворлар, жумладан, динозаврлар ҳам йўқ бўлиб кетади.

●Британиянинг барча клуб, ресторан, бар ва шу каби жамоат жойларида чекиш ман этилди. Мамлакат парламенти депутатлари бу қарорни бир овоз билан маъқуллашди. Кўрсатилган жойларда сигарет чекиш энди 2500 фунт стерлинг миқдоридаги жарима билан жазоланади. Агар чекиш ман этилган жойларда таъқиқловчи белгилар ўрнатилмаган бўлса, муассасага 200 фунт стерлинг жарима миқдорини ошириши тўғрисида мамлакатда баҳс-мунозаралар бормоқда.

●Япониялик шифокорлар бир беморнинг ошқозонини операция қилиш чоғида икки нарсага гувоҳ бўлишди. Яхшиси—унда тахмин қилинган саратон йўқ экан. Ёмони —унинг қорнидан 25 йил олдинги операция чоғида жарроҳлар унутиб қолдирган сочиқча топилди. 49 ёшли бу бемор 1983 йилда ошқозон яраси туфайли операция бўлганди. Ўша пайтларда жарроҳлар эътиборсизлиги туфайли унинг қорнида мато бўлагини унутиб қолдиришган экан. Бундан бехабар эркак ўтган йилнинг май ойида қорнида кучли оғриқ билан келтирилди. Шифокорлар рентген чоғида 8 сантиметрлик номаълум нарсани кўриб, уни олиб ташлашга қарор қилишди. Операция чоғида бу нарса сочиқ эканлиги маълум бўлди. «Сочиқ аввал қандай бўлган билмадигу, биз кўрганда яшил-кўкиш тусда эди. Йиллар давомида ҳажми теннис коптокчасиникидек бўлиб кетибди» дейишди беморни операция қилган жарроҳлар. Asahi General Hospital шифохона маъмурияти бемордан етказилган зиён учун узр сўраб компенсация борасида келишув олиб бормоқда.

●Хитойдаги «Хитой» компаниясида ишлаб чиқарилиб, Германиянинг Ганновер шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада намойиш этилган, «қалам телефон» кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Компания қаламга ўрнатилган бу уяли телефонни уч диапазонли қилиб ишлаб чиқарди. Қаламда ёзилган ҳар бир сўз уяли телефоннинг махсус мосламасига ёзилиб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ғаройиб ускунанинг келажаги бор.

●Америкалик олимлар учар ликопчани ихтиро қилишди. Флорида университети мазкур лойиҳага патент олиш учун ариза берди. Аниқроғи, «қанотсиз электромагнитли» учиш аппарати» деб номланган лойиҳада ҳавода эркин учишга мўлжалланган ликопчасимон аппаратнинг ишлаш тизими баён қилинган.

●Япониянинг «Мицубиси» корпорацияси мамлакатдаги 60 чанғи базалари учун сунъий қор ишлаб чиқаришни бошлади. Бунинг учун мутахассислар бактериянинг бир туридан фойдаланишмоқда. Улардан олинган препарат сувнинг музлаш ҳароратини Цельсий бўйича олти даражагача кўтариш имкониятини беради. Ана шундай сув томчилари ҳаво билан бириккан заҳоти қор учқунларига айланади.

●Австралияликлар қачонлардир ўз қитъаларига қуён келтирганлар ва кейинчалик уларга қарши узоқ вақт кураш олиб боришга мажбур бўлишган. Энди тарих яна қайтарилмоқда. Лекин бу сафар қитъани қурбақалар тўдаси босиб кетган. Шакарқамиш майдонларидаги ҳашаротларга қарши курашиш учун австралиялик фермерлар бир қанча вақт илгари Жанубий Америкадан қурбақалар келтиришган эди. Улар бу ерда яшин тезлигида кўпайиб кетди ва ҳаммаёқни эгаллай бошлади. Олимлар қуруқликда ҳам, сувда ҳам яшовчи бу жониворлар кўплаб маҳаллий жонзотларни сиқиб қўяётганлигидан, Австралиядаги айрим жонзотлар улар дастидан бутунлай қирилиб кетиши мумкинлигидан ташвишга тушиб қолдилар ва энди қурбақаларга қарши кураш бошланса не ажаб.

●Кипр пойтахтида мамлакатдаги энг катта театрлардан бирининг том қисми қулаб тушди. Никосиянинг муниципал театри биноси фалокати оқибатида ҳеч ким жабрланмади. Айни кунларда 1200 кишилик мазкур театрда ўқув йилининг тугаши муносабати билан болалар учун спектакл кўрсатилаётганди. Яхши ҳамки фалокат вақтида бинода ҳеч ким бўлмаган.

●Японияда денгиз маҳсулотларининг айрим чиқиндиларидан қандай қилиб фойдаланишни кўпдан бери топишолмаётган эди. Балиқ заводларида катта ва митти қисқичбақаларнинг бошқа денгиз мавжудотларининг тоғ-тоғ коса-қобиқлари тўпланиб қоларди. Аммо яқинда улардан хитинни қайта ишлаш технологияси яратилди. Эндиликда, ҳеч кимга кераксиз туюлган ана шу хом ашёдан спортчилар кийим-кечаклари учун ниҳоятда пишиқ ва гигиена талабларига жавоб берадиган газлама ишлаб чиқарилмоқда.

●Яқин Шарқ мамлакатларида ғалати мевали дарахт бор. Маҳаллий халқ ажойиб хислати учун уни «Кулги дарахти» деб атайди. Унинг мевасини истеъмол қилган киши қийқириб кула бошлайди. Омади келмаган киши, иши юришмаган савдогар, ўлжасиз қайтган овчи, тиш оғриғига дучор бўлган ёки оиласидан ранжиган одам кулгу дарахти мевасидан истеъмол қилиб кўнглини ёзиши мумкин.

●Америкалик олим Фрэнк Флуднинг айтишича, мусиқа юраги хаста кишиларга яхши кайфият бағишлайди. Ёқимли куй беморлардаги тушкунликни йўқотади. Касаллик туфайли пайдо бўлган ваҳима ва хавотирни унутишга ёрдам беради. Японияда эса ғалати кузатув ўтказилган. Агар эмизикли аёл классик куйларни тингласа болага меҳри ортар, жаз ва замонавий мусиқалар эса уни камайтирар экан.

*Жаримачилар*

# ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

**2008 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИКЛАРИ УЧУН НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН СОЛИНГАН ЖАРИМАЛАРДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ МИСОЛ ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРСА БЎЛАДИ:**

●Яккасарой туманидаги "MAXSUS GEO" ХК олдидан чиқиндилар олиб кетилмаганлиги учун фуқаро Г. Каримова Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 20000 сўм миқдорида жаримага тортилди.

●Мирзо Улуғбек тумани ОАЖ "Ўзкабель" ҚК сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун бош муҳандис Ш.Розиқовга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 74/1 моддасига асосан 62000 сўм миқдорда жарима солинди.

●Ҳамза туманидаги "ALTROMARK" ХК люминисцент лампалар утилизация қилинмаганлиги учун, бош муҳандис А.Богдасарян Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 40000 сўм миқдорида жаримага тортилди.

● Чилонзор туманидаги ОАЖ "VISO" люминисцент лампаларни утилизация қилмаганлиги учун механик В.Раҳимов Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 40000 сўм миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

● Ҳамза туманидаги "STONE" корхонаси олдидан чиқиндилар олиб кетилмаганлиги учун мудир А.Ибрагимов Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 62500 сўм миқдорида жаримага тортилди.

●Бектемир туманидаги МЧЖ "FAOLTRANS" табиий муҳитни тиклаш, табиий заҳираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги учун, директор ўринбосари Г.П.Бабешко Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 95/1 моддасига асосан 63000 сўм миқдорида жаримага тортилди.

